# XALQ DEPUTATLARI O'ZBEKISTON TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 24 - iyun VI-52-91-11-161-K/22 Oʻzbekiston tuman hokimligi

**Ўзбекистон туманида Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликни барвақт олдини олиш борасида 2022 йилнинг ўтган беш ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида**

“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти ПФ-6196-сон Фармони ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида 2021 йил 29 ноябрда ПФ-27-сон билан Консепция тасдиқланган.

Жорий йилнинг 5 ойи давомида жами **234 (310)** та жиноятлар содир этилишига йўл қўйилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан **-76 тага** ёки **-24,52% га** камайишига эришилган. Шундан содир этиладиган жиноятлар **172 та** ёки **73,5 %** ни, аниқланадиган жиноятлар **62 та** ёки **26,5 %ни** ташкил қилади.

Содир этилган 234 тажиноятлар оғирлик даражаси бўйича тахлил қилинганида қуйдагиларни кўриш мумкин**.**

***Ўта оғир турдаги жиноятлар*** *5 тага* ***- 500 % (1-6)*** *кўпайган,*

***Оғир турдаги жиноятлар-*** *-13 тага 35,14* ***% (37-24)*** *камайган,*

***Унча оғир бўлмаган жиноят -****34 тага 34,34* ***% (99-65)*** *камайган,*

***Кам ахамятли жиноятлар-*** *34 тага* ***25,7% (173-139)****камайган.*

Шунингдек;

**Қотиллик** 2 тага 200 % (0-2) ошган,

**Номусга тегиш** 1 тага 100 % га (0-1) ошган.

**Босқинчилик** 1 тага 100 % га (0-1) ошган.

**Безорилик** 6 тага 300 % (2-8) ошган.

**Ўлимли ЙТХ** 3 тага 60 % (5-8) ошган.

**Қалбаки хужжат тайёрлаш** 5 тага 250 % (2-7) ошган.

**Ўқ отар қурол аниқлаш** 1 тага 100 % (0-1) ошган.

**Мулкни талон-тарож қилиш** 4 тага 200% (2-6) ошган.

**Ўлимсиз ЙТХ** 13 тага 118,18% (11-24) ошган.

**Судимлар томонидан** 5 тага 20,83% (24-29) ошган.

**Гурухлар томонидан** 6 тага 33,33%га (18-24) ошган.

Шу билан бир қаторда қуйдаги жиноятлар камайганини кўриш мумкин.

**ЖҚ йўналишида**-88 тага -33,85% (260-172) камайган.

**Оғир тан жорахати етказиш** - 6 тага -66,67% (9-3),

**Талончилик** -4 тага -100% (4-0).

**Фирибгарлик** 6 тага -16,67% (36-30).

**Ўғирлик**-57 тага -55,88% (102-45)

**Автомашина олиб қочиш** -3 тага -75,00% (4-1) камайган.

**Ўрта оғир тан жарохати етказиш** -8 тага -42,11% (19-11) камайган.

**Енгил тан жарохати**-19 тага -40,43% (47-28) камайган.

**Порахўрлик** -2 тага -100%га (2-0) камайган.

**Чет элга чиқиш, Ўз**.Респ кириш -1 тага -100 % (1-0) камайган.

**Вояга етмаганлар томонидан** -6 тага -50%га (12-6) камайган.

**Аёллар томонидан** -8 тага 28,57% (28-20) камайган.

**Спиртли ичимлик истемол қилганлар томонидан** -8 тага 53,33% (15-7) камайган.

**Ишламайдиганлар томонидан** -4 тага 23,53% (17-13).

**Хисобдан яшириб қолинган жиноятлар** -3 тага 50% (6-3) камайган.

Умумий 234 та жиноят 174 нафар шахслар томонидан содир этилган

бўлиб, шундан спиртли ичимлик истеъмол қилганлар 7 нафар, муқаддам судланганлар 23 нафар, ишламайдиганлар 15 нафар, аёллар 21 нафар, вояга етмаганлар 12 нафар, гурухлар 27 нафари шахслар томонидан содир этган. 21 та жиноятлар фош этилмаган.

Аниқланадиган жиноятлар 62 та: Қўшмачилик 5 та, гиёхвандлик 24 та, ўзлаштириш 6 та, валюта 1 та, қурол муомаласи 1 та, ва бошқа жиноятлар 25 тани ташкил этади.

Умумий жиноятлардан (234 тадан) **185 таси** хисобот даврида содир этилган бўлиб, ҳар 100.000 ахолига **75.1 тадан** тўғри келади. Шундан **21 таси** ёки **11,3 %** оғир ва ўта оғир жиноятларни ташкил қилган.

**Қотиллик жинояти 2** тага 200%(0-2) ошган, Жиноятлар хафта кунлари, соатлари, ҳамда сабаблари бўйича ўрганиб чиқилди.

**Қотиллик** жиноятларининг МФЙлар кесимида тахлил қилинганида қуйидагиларни кўриш мумкин:

**Навбахор мфйда 1та,**

**Тинчлик мфйда 1та,**

Қасддан одам ўлдириш жиноятлари 2 ***нафар шахслар иштирок этган.***

Оғир тан жорахати етказиш - 6 тага -66,67% (9-3) камайган, Жиноятлар хафта кунлари, соатлари, ҳамда сабаблари бўйича ўрганиб чиқилди.

**Босқинчилик-** 1 тага -100% (0-1) ошган, Ушбу жиноят кўча-жамоат жойларида содир этилиб, мазкур даврга тўғри келади. Босқинчилик жиноятининг содир этилиш жойи тахлил қилинганида қуйидагиларни кўриш мумкин.

Босқинчилик жинояти **2-секторда Туркистон МФЙда.**

**Номусга тегиш** 1 тага 100% (0-1) ошган, Жиноятлар хафта кунлари, соатлари, ҳамда сабаблари бўйича ўрганиб чиқилди. Мазкур турдаги жиноятлар 1 таси хам шу йил даврига тўғри келдаи.

**Безорилик** 6 тага 300% (2-8) ошган. Ушбу жиноятларни барчаси кўча-жамоат жойларида содир этилиб, мазкур даврга тўғри келади.

**Транспорт олиб қочиш-** 3 тага -75,00% (4-1) камайган. Ушбу жиноятларни барчаси кўча-жамоат жойларида содир этилганлигини кўриш мумкин.

**Ўртача оғирликда тан жарохати етказиш жинояти 11 (19) та:**

Содир этилган **11 та** ўртача оғирликда тан жарохати етказиш жинояти 2 таси оилавий келишмовчилик хамда 9 таси бошқа сабаб орқали келиб чиққан.

Ушбу ўртача оғирликда тан жарохати етказиш жиноятларида 1 нафар судланган шахслар томонидан содир этилган.

**Енгил тан жарохати етказиш жинояти 28 та:**

Қасддан баданга енгил тан жарохати етказиш жиноятлари **31 нафар** шахслар иштирок этган бўлиб, 3 нафари муқаддам судланган шахслар томонидан содир этилган.

**Ўзбекистон тумани худудида 2022 йил 5 ойи давомида содир этилган ўғрилик жиноятларини тахлили.**

Ўғрилик жиноятларини тахлили қилинганида 2022 йилнинг 5 **ойи** давомида -57 тага 55,88% (102-45) камайган.

Умумий 234 та жиноятларни 19,2% ёки 45 тасини ўғрилик жиноятлари ташкил этади. 11 таси фош этилмаган.

Содир этилган ўғрилик жиноятларида жами 34 нафар шахс иштирок этган бўлиб, 2 нафар аёллар томонидан содир этилган**.**

Ушбу ўғрилик жиноятларини 4 **нафар (**2 мартадан оритик**) мукаадам** судланган шахслар томонидан содир этилган.

**Фирибгарлик жиноятларини тахлили.**

2022 йилнинг **5 ойи** давомида туман ҳудудида -6 тага -16,67% (36-30) камайган, Шундан **25 таси асосий, 5 таси қўшимча** жиноятларни ташкил қилади. 8 таси фош этилмаган жиноятлар.

Фирибгарлик жиноятининг турлари бўйича тахлил қилинганида:

**21 та** пул олди-берди,

**2 та** телефон,

**4 та** пластик картадан,

**1 та** автомашина масаласи,

**2 та** бошқа масаласига тўғри келади,

Содир этилган фирибгарлик жиноятларида жами 33 нафар шахс иштирок этган бўлиб, 5 нафар аёллар томонидан содир этилган.

Ушбу фирибгарлик жиноятларини **2 нафар (2 мартадан оритиқ) муқаддам судланган шахслар** томонидан содир этилган.

**Маҳалла жиноятчилиги 2022 йил 5 ойи:**

Маҳалла ҳудудида содир этилган **136 та** (60,3 %, *100 минг аҳолига 57,2 та*) жиноятларнинг **32 та** (12,1 %, *100 минг аҳолига 13,4 та*) аниқланган ва **104 та** (62,8%, *100 минг аҳолига 43,8 та*) содир этилган жиноятларни ташкил қилади.

Маҳалла ҳудудида содир этиладиган жиноятлар 104 та:

Маҳалла ҳудудида аниқланадиган жиноятлар 32 та:

Криминоген вазият оғир бўлган “Қизил” тоифага кирган 29 та маҳаллалар ҳудудида жорий йил 5 ойи давомида 100 та, шундан 86 та содир этиладиган, 14 та аниқланадиган жиноятлар содир этилган:

**Маъмурий амалиёти бўйича:**

Жами **9113 та** (10 672) маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, ўтган йилга нисбатан **1 559**тага камайган. (*ҳар бир* ***Профилактика инспекторига 130*** *тадан тўғри келган*).

Шундан, профилактика инспектори ваколати доирасидаги моддалар бўйича **7998 та** (9839) маъмурий баённома ташкил этган. ( *ҳар бир* ***Профилактика инспекторига*** *114 тадан тўғри келди*).

*Жарималарни ундирилиши:*1,6 % ни ташкил этиб, жами 889 млн.833 минг сўмдан, 834 млн. 251 минг сўм (98,4 %) ундирилмай қолган,
55 млн. 582 минг сўм ундирилган, 488 млн. 081 минг сўмМИБга юборилди.

**Ёшлар ва вояга етмаганлар жиноятчилиги:**

2022 йилнинг 5 ойи давомида вояга етмаганлар (18 ёшгача) томонидан жами 63 та (2021 йилда 60 та) жиноятлар содир этилган бўлиб, бу ўтган

йилнинг шу даврига нисбатан 3 тага ошиб кетишига йўл қўйилган.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар турлари бўйича таҳлил этилганда: ўғирлик жинояти 5 та, 1 та бошқа турдаги жиноятлар содир этилган.

Мазкур содир этилган 63 та (2021 йилда 60 та) жиноятларда 52 нафар (2021 йилда 60 нафар) ёшлар иштирок этган бўлиб, уларнинг 6 нафари мактаб ўқувчиси ва 2 нафари олий таълим муассасаси талабаси, 5 нафари ўқимайдиганларни ташкил этади.

Шунингдек, жиноят содир қилган вояга етмаганларнинг таълим муассасалари бўйича таҳлил этилганда;

2 нафари 17 мактабўқувчиси,

1 нафари 11 мактаб ўқувчиси,

2 нафари 21-мактаб ўқувчиси,

2 нафари Қўқон шахар 22 ва 41-мактаб ўқувчиси,

1 нафари Фарғона шахар 5-сонли махсус мактаб ўқувчисини ташкил этади.

Туманда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни ташкил этилиши, қонунийлик ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш аҳволини таҳлил қилиб Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6- ва 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

**1.** Ўзбекистон тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, жамоат ҳавфсизлиги ҳизмати бошлиғи подполковник Н.Тешабоевнинг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликни барвақт олдини олиш борасида 2022 йилнинг ўтган беш ойи давомида амалга оширилган ишлари юзасидан ҳисоботи” маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Ўзбекистон тумани Ички ишлар бўлими ўринбосарининг жамоат ҳавфсизлиги ҳизмати бошлиғи Н.Тешабоевнинг 2022 йилнинг ўтган беш ойи давомида олиб борилган ишлар юзасидан ҳисоботи қониқарли деб топилсин.

**3.** Туман халқ таълими бўлими (Н.Сиддиқова) доимий равишда тегишли маъсуллар билан бирга ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, “Оиламаҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик тизимини тўлиқ ва самарали ишлашини таъминлаш чораларини кўрсин. Бунда, жиноятчилик кескин ошган таълим муассасалари раҳбарларига нисбатан таъсирчан жазо чораларини кўриш бўйича Халқ депутатлари туман Кенгашига таклифлар киритиб бориш тавсия этилсин.

**4.** Туман ҳокимининг ўринбосари (М.Ахмедов) ва Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Б.Охунов) муқаддам судланганлар томонидан такроран жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида уларни ижтимоий яшаш шароитлари ҳамда оиласидаги ижтимоий-маънавий муҳит ўрганиб борсин ҳамда уларни бандлигини таъминлаш орқали қўшимча даромад манбаига эга бўлиш чоралари кўрсин.

**5.** Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Алижонов) тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан муқаддам судланганларга оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун бевосита кўмаклашсин.

**6.** Туман ички ишлар бўлими (Б.Нажмитиднов) фаолиятини янги бошлаган ёш, етарли тажрибага эга бўлмаган профилактика инспекторларининг иш тажрибасини янада ошириш бўйича таъсирчан чораларни кўриб борсин.

**7.** Ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг тегишлилиги буйича доимий комиссияси (У.Каримов), туман Кенгаши депутатлари, туман ҳокимининг ўринбосарлари ва бўлим бошлиқларига:

- ҳисоботдан келиб чиқиб, фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини химоя қилиш борасида қонунлар бузилишларини олдини олиш бўйича худуддаги ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлар билан яқин хамкорликда иш олиб борилсин;

- аҳоли ва айниқса ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идораларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий амал қилиниши устидан жамоат назоратини ўрнатиш тавсия этилсин.

**8.** Туман ҳокимлиги матбуот ҳизмати (Д.Жабборов)га туманда амалга оширилаётган аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларни изчил бажарилиши, ҳудудларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш, қонунбузилишларни олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

**9.** Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгаши “Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссия”си раиси (У.Каримов) зиммасига юклатилсин.

**10.** Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

**Туман ҳокими** **Ш.Юлдашев**